



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛЛАРДА ЮК ВА ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШ  
ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ**

**Темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарлари ва масъул  
ходимларини норматив-ҳуқуқий актлар ва темир йўл транспортида техник жиҳатдан  
тартибга солиш соҳасининг темир йўл ташишлари хавфсизлигини таъминлашга оид  
норматив ҳужжатлари бўйича билимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
Низомини тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 ноябрдаги 948-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги Низомга мувофиқ буюраман:

1. Темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарлари ва масъул ходимларини норматив-ҳуқуқий актлар ва темир йўл транспортида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасининг норматив ҳужжатлари бўйича билимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин;

2. Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг “Вазирликлар, идоралар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотларда темир йўл транспорти соҳасида фаолият олиб боровчи ходимларнинг техник фойдаланиш қоидалари ҳамда йўриқномаларни билишини комиссия тузиб текширишни амалга ошириш бўйича низомни тасдиқлаш ҳақида” 2006 йил 30 октябрдаги 51-сон (2006 йил 30 ноябрда 1645-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) буйруғи (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 48-50-сон, 494-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Инспекция бошлиғи**

**Д. Аҳмедов**

Тошкент ш.

\_\_\_\_\_ 2018 й.

\_\_\_\_\_ - сон